



Ногиронлиги Бор Инсонларга Кўрсатиладиган Хизматларни Такомиллаштириш Йўналишлари

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти профессори, и.ф.д.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD,
доцент.

Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусовна

“Алфраганус университети” нодавлат олий таълим муассасаси ассистенти, PhD

Аннотация. Мақолада ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириш йўналишлари қараб чиқилган. Бунда мазкур инсонларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги аниқ ифода этилган. Ушбу йўналишдаги хизматлар турли соҳаларни қамраб олиши, инсонларнинг жисмоний, ақлий, ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ногиронлиги бор инсонларга кўрсатилиши мумкин бўлган асосий хизматларнинг 8 та турларига изоҳ берилган.

Калит сўзлар. Ногиронлик, ногиронлиги бор инсонлар, тиббиёт хизматлар, маиший хизматлар, ижтимоий хизматлар, таълим хизматлари, бандликни таъминлаш хизматлари, транспорт хизматлари, ахборот ва алоқа хизматлари, ҳуқуқий хизматлар, молиявий хизматлар, маданият хизматлари, спорт хизматлари.

Направления Совершенствования Услуг, Предоставляемых Лицам С Ограниченными Возможностями Здоровья

Аннотация. В статье рассматриваются направления совершенствования услуг, предоставляемых лицам с ограниченными возможностями здоровья. В статье четко обозначено, что создание достойных условий жизни для этих лиц, обеспечение их трудоустройства, профессиональной подготовки, а также предоставление им всех видов образования и воспитания является одним из приоритетных направлений государственной политики. Услуги в этой сфере охватывают различные сферы и направлены на удовлетворение физических, психических, эмоциональных и социальных потребностей людей.

Ключевые слова: Инвалидность, лица с ограниченными возможностями здоровья, медицинские услуги, бытовые услуги, социальные услуги, образовательные услуги, услуги по трудоустройству, транспортные услуги, информационно-коммуникационные услуги, юридические услуги, финансовые услуги, услуги в сфере культуры, спортивные услуги.

Directions Of Improvement Of Services Provided To Persons With Disabilities

Abstract. The article considers the directions of improvement of services provided to persons with disabilities. The article clearly states that creation of decent living conditions for these



persons, ensuring their employment, professional training, as well as providing them with all types of education and upbringing is one of the priority areas of state policy. Services in this area cover various spheres and are aimed at satisfying the physical, mental, emotional and social needs of people.

Keywords: Disability, persons with disabilities, medical services, household services, social services, educational services, employment services, transport services, information and communication services, legal services, financial services, cultural services, sports services.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда барча хизмат турлари билан бирга ижтимоий хизматларни кўрсатишнинг кўлами ва турларини кўпайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буларнинг бир йўналиши аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кўпайтиришга қаратилган “Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган”¹. Ушбу хизматларни кенгай-тириш ва такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Мамлакатимизда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ташкил қилинган. Ушбу марказ ходимлари тамонидан ногиронликни белгилашда Жаҳон соғлиқни сақлаш (ЖСС) ташкилотининг ногиронликни баҳолаш шкаласига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бунда маҳаллий хусусиятлар ва шарт-шароитлар ҳам инобатга олинади.

Маълумки, Ўзбекистон 2021 йилда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Ушбу йўналида мамлакатимиз Президентининг бир қанча қарорлари қабул қилинди. Хусусан, ижтимоий хизматлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2024 йил 18 июлдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масалалар ўта долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатилади-ган хизматларни такомиллаштириш йўналишларини қараб чиқиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, миқдор ва сифат, мантикий ва иқтисодий ёндошувлар билан боғлиқ усул ва услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий ғоялаидан бири “Инсон қадри учун”, йўналтирилган бўлиб, бу жамиятнинг ҳар бир аҳолиси учун, шу жумладан ногиронлиги бор инсонлар учун ҳам дахлдордир. Шу туфайли уларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, хуллас таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлаш давлатимизнинг диққат эътиборида ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу ҳолатларга эришиш учун бир қанча янги вазифалар белгиланган ва олдинги амалдагилари такомиллаштирилган. Булар:

Биринчидан, ногиронлиги бор инсонларни лаёқатидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга ўқитиш, янги иш ўринларини яратиш ва уларни иш билан таъминлаш, спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилиши мақсад қилиб белгиланган.

Иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бирининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, давлат билан ҳамкорликда нодавлат ва нотижорат ташкилотларини ҳам жалб

¹Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 1 ва 5-бетлар.



қилиш туфайли уларга муносиб иш ўринларини яратиш орқали бандлигини таъминлаш ва аҳолининг мазкур қатламининг камбағаллигини қисқартиришга қаратилган.

Учинчидан, ногиронликни белгилаш жараёнларининг шаффофлигини ошириш орқали соҳада мавжуд бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни жорий қилиш вазифаси ҳам белгиланган.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоийлаштириш учун уларнинг эҳтиёжларини тўғри ва ўз вақтида аниқлаб, кундалик ҳаётидаги фаоллиги ва иштирокини баҳолаш тизимини такомиллаштириш лозимлиги ҳам таъкидланган.

Бешинчидан, ногиронлиги бор шахсларга тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси (ТИЭК) кўриги учун оилавий шифокорлар томонидан тегишли ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган ҳолда ўз вақтида электрон тарзда амалга оширилиши ҳам белгиланган.

Олтинчидан, эндиликда одамларнинг ноғионлагини баҳолашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг тартиб қоидаларига, уларда қўлланиладиган шкалаларни ўзимизнинг маҳаллий хусусиятларимизга мослаган ҳолда амалга оширилиши тартиби ҳам кўзда тутилган.

Еттинчидан, “18 ёшдан катта шахсларга ногиронликни белгилашда шахснинг клиник-функционал бузилишлари тавсифидан келиб чиқиб ногиронлиkning муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларга муҳтожлигига оид маълумотлар “Ягона ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади”².

Саккизинчидан, “Фуқароларга биринчи маротаба ногиронлик белгилангандан сўнг “Инсон” марказлари томонидан уларни таълим ва касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда психологик қўллаб қувватлаш бўйича индивидуал тартибда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқиладиган ва ижроси мониторинг қилиб борилади”³.

Тўққизинчидан, яна бир муҳим жиҳат, соғлиқни сақлаш вазирлигида мазкур соҳа бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Бу вазирлиkning марказий аппаратида ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатилиши жараёнини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирадиган ва амалга оширадиган.

Ўнинчидан, эндиликда Президентимизнинг юқоридаги қарорида кўрсатилишича ногиронлик инсоннинг касаллигига қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқат қobiliяти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгилаш кўзда тутилган.

Ўн биринчидан, эндиликда ногиронлиги бўлган инсонлар ҳаракатига мослаштириш мақсадида янги қуриладиган барча турдаги объектларда, йўлларда, метро, автобус бекатларида, чарраҳаларда тўсиқларсиз, хавфсиз муҳит яратилади.

Ўн иккинчидан, чарраҳаларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш масаласи ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу тадбирга ҳаражатлар “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармасининг 10 фоиз қисми ҳисобидан қопланиши ҳам белгиланган.

Ўн учинчидан, юқоридаги қарорда 2026 йил 1 январгача ногиронлиги бор инсонлар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратилганлиги тўғрисида маълумотларни аниқлайдиган “Интерактив харита” ахборот тизими шакллантирилиши кўзда тутилган.

²Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 5-бет.

³Ўша жойда.



Ўн тўртинчидан, ногиронлиги бор инсонларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлашга мўлжалланган жамоат транспортини ҳам ташкил қилинади.

Охирги пайтларда мамлакатимизда ногиронлиги бор инсонларга эътиборни қаратиш, уларга муносиб хизматларни кўрсатиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун тенг имкониятларни яратишга қаратилган муҳим йўналишлардан биридир. Бу хизматлар турли соҳаларни қамраб олади ва инсоннинг жисмоний, ақлий, ҳиссий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади. Қуйида ногиронлиги бор инсонларга кўрсатилиши мумкин бўлган асосий хизматлар турларига эътибони қаратамиз. Булар қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).

Мазкур расмдан кўриниб турибдики, ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматларнинг 8 та тури мавжуд экан. Уларнинг ҳар бири инсонлар ногирон бўлсада, уларнинг тўлақонли яшаши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу хизматлар турларига қисқача изоҳ бериладиган бўлса, ногиронлиги бор инсонларга биринчи галда кўрсатиладиган хизматлардан иборатдир.



1-расм. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматларнинг турлари

Тиббий хизматлар ўз ичига реабилитация ва абилитация марказлари (тиббий в апсихологик реабилитация) хизматларини қамраб олади. Бу хизматлар тизимига махсус ускуналар, яъни протезлар, аравачалар, эшитиш аппаратлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳозирги пайтда ушбу хизматлар маҳалла даражасида патронаж ва тиббий кўмак билан боғлиқ тиббиёт хизматларни кўрсатиш ҳам анъанага айланмоқда.

Бир йўналиш маиший ва ижтимоий хизматлар турлари билан боғлиқ хизматлардир. Буда хизмат кўрсатишнинг турлари маиший ишларда ёрдам, тозалаш, овқат тайёрлаш ва ҳ.к.ни қамраб олади. Мазкур хизмат турларига куни бўйича ёки туни-кун давомида қаровчи хизматлар ҳам киради. Бундай аҳоли қатламига ижтимоий мутахассислар ва психологлар томонидан ёрдам ҳам кўрсатилиб турилади.



Инсон камолоти учун муҳим бўлган хизматлардан бири, айнан шу ногиронларга мос бўлган **таълим хизматларидир**. Бу хизматлар ўз ичига инклюзив таълимни қамраб олади. Бундай хизматлар оддий мактабларда ногиронлар учун мослаштирилган ўқув жараёнини ташкил қилишдан бошланади. Айрим ҳолларда махсус мактаб ва интернатлар ташкил қилинган. Бунинг бир қисмига онлайн таълим платформалари ва махсус дастурлар асосида дарсларни ўтиш ҳам ташкил қилинади.

Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган муҳим хизматлардан бири, уларнинг **бандлигини ошириш ва иш билан таъминлашга** йўналтирилган хизматлардир. Ушбу инсонларга масофавий ишлаш имкониятларини ҳам яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Шунингдек, ногиронлар учун мослаштирилган иш жойларини яратиш ҳам, уларни касб-ҳунарга ўқитиш курсларини ташкил қилиш ҳам бандликни таъминлашда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Мазкур категорияга кирадиган инсонларнинг ҳаракатланишини таъминлашда, уларга мос **транспорт хизматларини** ташкил қилиш ҳам бир йўналишдир. Бунинг учун махсус жиҳозланган транспорт воситаларини (автобуслар, таксилар) ишлаб чиқиш ва борларини мослаштириш билан бирга, шахсий транспортларни ҳам уларга мос ҳолда ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда. Шунингдек, жамоат жойларига қулай киришни таъминлаш ҳам муҳим йўналишлардан бири бўлиб келмоқда.

Ахборот ва алоқа хизматларини сифатли ташкил қилиш ҳам ногиронлиги бор инсонлар учун муҳим йўналишлардан биридир. Бунда эшитиш ва кўриш имконияти чекланганлар учун махсус дастурлардан (аудио китоблар, субтитрлар) фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, веб-сайтларнинг инклюзивлигини, смартфон ва компьютер учун қулай иловалар ташкил қилинаётганлиги ҳам муҳим йўналишлардан биридир.


Ногиронлиги бор инсонларга **ҳуқуқий ва молиявий ёрдам** бериш ҳам уларга кўрсатиладиган хизматларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу хизматлар ўз ичига ногиронлик нафақаси ва давлат томонидан бериладиган имтиёзларни, ҳуқуқий маслаҳат ва ҳимоя хизмати, бепул ёки чегирмали тиббий ва ижтимоий хизматларни олади. Бу хизматлар ҳам замонавий технологияларни қўллаш натижасида узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Навбатдаги ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар **маданият ва спорт хизматларидир**. Ушбу хизматлар мамлакатимизда жуда ривожланган. Параолимпиядачиларимизнинг мамлакат байроғини осмонга кўтарилганлигининг ўзи ҳам бундан далолатдир. Ушбу инсонлар учун махсус спорт секциялари ва мусобақалар ўтказилиши ҳам ушбу йўналишнинг муҳимлигидан далолатдир. Шунингдек, театр, кино ва музейларга кириш йўлақларини мослаштиришни ташкил қилиниши ҳам буларга яратилган қулайликлардан биридир. Шу тариқа маданий тадбирларда иштирок этиш имконияти яратилган.

Булардан ташқари аниқ бир турдаги ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизмат турларининг йўналишлари ҳам инобатга олиниб, шунга яраша ўзига хос хизмат турлари ташкил қилинади. Масалан, инсоннинг кўриш қобилияти чекланганлар учун алоҳида хизматлар кўрсатилса, эшитиши мураккаблашганлар учун алоҳида хизматлар кўрсатилади. Шу тариқа барча ногиронлиги бор инсонларнинг талаб даражасида яшашини таъминлашга қаратилган хизматлар билан боғлиқ тадбирлар ҳам узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Тадқиқот натижасида **хулоса қилинди ва тегишли илмий тавсиялар** ҳам ишлаб чиқилди. Булар:

Биринчидан, ногиронлиги бор инсонларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ҳулас таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлаш давлатимизнинг диққат эътиборида ва давлат



сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлганлиги туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юқорида қайд этилган 14 та йўналиш бўйича мукамал ишлашга қаратилган “Йўл харитаси”ни ҳар йили ишлаб чиқиши ва унинг бажарилишини назорат қилиб борилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган турли ижтимоий хизматларнинг барча турларининг бажарилишини таъминлаш учун ҳам тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилишини микро даражадан макро даражагача назорат қилиш механизми жорий қилиб, уни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажаришга қаратилган “Инсон қадрлари учун” ғоясини амалга оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги “Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Мехрангиз Олимовна Нарзиева. Инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқаликамбағалликни қисқартириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарқанд, СамИСИ, 2024.
4. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 204 бет.
5. Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 1 ва 5-бетлар.